

Рожий (таяллуси; асл исм-шарифи Мухаммад Юсуф Махзум ибн Хўжамберди; 19-аср 30-йиллари — Хива — 20-аср боши) — шоир, таржимон ва хаттот. Шеърларининг етакчи мавзуи — ишқ-мухаббат. Мумтоз адабиёт анъаналарини ижодий давом эттирган, унга янги мавзуу ва образлар олиб кирган. Газалларида маърифатпарварлик гояларини таргиг килган, кишиларни саховатпешаликка, камтаринликка ундаган («Чой», «Бел огрик», «Келур», «Боис» ва б.). Навоий, Фузулий, Хусайнний, Комил Хоразмий, Зийрак ва б. газалларига мухаммаслар багишланган. Хоразм хони Сайд Мухаммадхон (1856—65), Мухаммад Рахимхон II (1865—1910) га багишлаб касидалар битган. «Равзат уссафо» (Мирхонд)нинг 4—5-бобларини ва бир канча адабий асарларни форс тилидан ўзбек тилига таржима килган. 200 мисрадан ортик шеърлари З девонида бизгача етиб келган. Хаттотлик килган, танбурни яхши чалган. Девони кўлёзмалари Ўзбекистон Фанлар Академияси Шаркшунослик институти кўлёзмалар фондида сакланади (инв. №922, 1119, 1271).

ГАЗАЛЛАР

Хушо, улким жаҳон ахлига майли имтизож этмас,
Тутуб улфат ҳалойик бирла айшу ибтихож этмас.

Алойик риштасин тажрид тийги бирла катъ айдаб,
Кухан золи жаҳонга майли аҳди издивож этмас.

Хаводис зулматистонида колса чарх зулмидин,
Тазаллум кўргузуб, элдин тамаъ шамъи сирож этмас.

Бошига ёгса борони алам меҳнат сахобидин,
Бираавга бош эгиб дардига уммиди илож этмас.

Фано хокистаридан маскан этган факт кўйида,
Жаҳонда шахлиг истаб, орзуйи тахти тож этмас,

Шаханшохеки килмас зрса ройиж нақди эхсонин,
Казо саррофи онинг давлати нақдин ривож этмас.

Кел эй, Рожий, ганимат тут каноат кунжи оромин,
Эр ўлон, хар киши оллида арзи эхтиёж этмас.

* * *

Айлаб сипехр зулмини мен мубталога хос,
Хар дам килур бир ўзгача ранжу балога хос.

Даврон жафоси бормудуур барча элга ком,
Ёхуд эмишму жумласи ахли вафога хос.

Топди бир ишга хар киши оламда хослик,
Жохилга рохат ўлди-ю, доно анога хос.

Махсус бўлди риндга дайр ичра жоми май,
Бор хонакохда зухд эли, зарку риёга хос.

Кўпдур собахат ичра париваш нигорлар,
Келди малоҳат ул кўзу коши карога хос.

Хар кимса англай олмади анжоми корини,
Гайб илми, филхакикат, эрур бир худога хос.

Куллук тарийки бими умид ўлди, Рожиё,
Кил ўзни бандалик аро хавфу рижога хос.

* * *

Бўлмиш манго ул ёри вафодор мухолиф,
Тонг йўқ, гар эса чархи жафокор мухолиф.

Ашк ўрнига кон тўксам эмас айбки, бўлмиш —
Мен телбага ул гамзаси хунхор мухолиф.

Даврон ситаму чарх жафо, эл киладур зулм,
Мени бедилга бўлголи дилдор мухолиф.

Бехудман ул ой фуркати андухида гам еб,
Андақки озор айласа бемор мухолиф.

Ул ёр манга бўлса мувофик, не гамим бор,
Юз кийн айла гар бўлсалар агёр мухолиф.

Бир ёри мувофик санго хак айласа рўзи,
Бўлма анга хар хол ила зинхор мухолиф.

Рожийга мувофик гар эмас даҳр эли, тонг йўқ,
Бўлмиш неча кундурки, анга ёр мухолиф.

* * *

Оҳким, умр ўтти топмай ранжу кулфатин фарог,

Бермади даврони дун бир лахза меҳнатдин фарог.

Дер эдилар хар машаккат кейнидин роҳат дурур,
Етти шиддат гардуми, топдим машаккатдин фарог.

Хар балият ичра колгонлар фарогат топтилар,
Бир мени гаммодага йўқдур балиятдин фарог.

Гоҳ даврондин ётар заҳмат, гаҳи давр ахлидин,
Топмон, алкисса, даме мен хаста заҳматдин фарог.

Етса аъдадин ситам, ахбоб килмас ёрлиг,
Хотирим топмиш жаҳон ахлига улфатдин фарог.

Эй кўнгул, майл этма дунё бирла моғиҳо сари
Истасангким, топгосен ранжу суубатдин фарог.

Сокиё, хар лахза Рожийга тараф жомини тут,
То топай бир умрлиг андуху кулфатдин фарог.

* * *

Ул париким, барча бўлмиш ошнолар ёт анга,
Ётларга ошно бўлмиш, недур холот анга.

Ўзгаларга ёру олмас тилга ушшок отини,
Тонг эмас гар бевафо деб кўйсалар эл от анга.

Оразин очгон паривашлар бошидин эврулур,
Не ажабким ул күёшдур, бу бари заррот анга.

Кўрган ул лўливашимнинг комати рафторини,
Кул бўлурлар гар киёт ўлсун ва гар кўнгирот анга.

Айланиб ул хусн шохи чикса майдон ичра масти,
Рух кўюб йўлида шахлар бўлгусидур мот анга.

Мехри рухсорига кун бокса ўётдин сув бўлур.
Кайси важх ила мукобил бўлгуси миръот анга.

Хусн даврони ганиматдур, нигоро, раҳм кил,
Хар баҳор ўлса хазон осиби бордур бот анга.

Ул пари кўйи дурур ишқ элига дорил-амон,
Эй кўнгул, олам гамидин кочсанг ўзни кот анга.

Вахки Рожий кулбасига келмас ул ой бир кечада,
Хар кун айлаб арзи хол ирсол этар абёт анга.

* * *

Эй хаё маъдани кони адаб,
Сари кўйинг эрур дўкони адаб.

Адаб эрмаски отинг зикр этмак,
Деса бўлгай сани жаҳони адаб.

Оразингдин хаё бўлур зохир,
Талъатинг фош этар нишони адаб.

Лаби лаълинг такаллумин кўрсун,
Кўрмаган рух ила равони адаб.

Киприкинг новаки отарга нихон,
Эгма кошингдуур камони адаб.

Адаб эрмас дами фаромушинг,
Сан-сан оламда кадрдони адаб.

Рожий ашъорин айласун такрор,
Хар ким истар эса баёни адаб.

* * *

Букун ул дилрабо дилдорлиг расмин аён айлаб
Олиб буркаъ юзидин жилваи хуршид сон айлаб.

Хиромон айлабон зебо кадин нозу адо бирла,
Кадам кўйди бузук кулбам аро рашки жинон айлаб,

Келиб бошим уза сўрди тагофул бирла ахволим,
Деди: эй хаста, дардингни манга билдири баён айлаб.

Гахи бехуд ётарсан, бехўрду бехоб ўлик янглиг,
Гахи ер-кўкни кўзгарсан фигон узра фигон айлаб..

Бўлиб гирён анго ман хаста изхор этмадим чун сўз,
Кулуб дедики: холинг неткасен мандин нихон айлаб.

Бошим ердин канорига олиб лаъли равонбахшин,
Равон оғзимга кўйди сўз сўрога комрон айлаб.

Сўрубман лаълинию ул сўриб холимни охиста,
Сўрушмок бу экан маъшуку ошиқ иктирон айлаб.

Килиб ўлгон танимга бу сифат жонбахшлиг зохир,
Макомин азмин этти комати сарвин равон айлаб.

Кел, эй Рожий, бу янглиг харза гўйлик таркини эткил
Тахайюрга холур эл бу сўзингни чин гумон айлаб.

* * *

Эй маъдани жуди кони химмат,
Гулзори баҳору боди беҳжат.

Бу хастаки коми химматингдин,
Баҳшишдур шафкату муруват.

Айлар бу сифат макол бирла,
Изхори гаму, баёни хожат.

Ким чой эдики бир тасалли.
Рафъ эткали хар нафас малолат.

Ул хам кўзидин учубдур андок,
Ким йўқдир анга етарга кудрат.

Асру буюк эрмиш ошёни,
Йўқ кимсада еткууруга химмат.

Рожий, караминга кўз тутубдур,
Дафъ айласа деб бу навъи кулфат.

* * *

Хайфким они дедим маъдани эхсону саховат,
Жамъ бўлмиш экан анда хам авсофи асосат.

Ўзи васфини дер эркан, уки доим килур эрди,
Неча одамни хасосат сифати бирла шикоят.

Санар эрдим они фахм ахлидину, дониш элидин,
Билмас эрканмен, эмиш бошдин-аёқ лофи жаҳолат.

Тилабон чой юбордим анга ул навъ кишиким,
Килур атворию афъоли улугликга далолат.

Рутбаси паст эса хам эрди таманнойи буюклик,
Суврати тифл эса хам эрди корилик анга одат.

Килибон бўйла киши ранжа кадам чой юбормиш,
Ки бир-икки йўли дамларга килур килса кифоят.

Рожийё, ўз тамаин элдину кил хакка таваккул,
Пеша айлаб ўзунга олам аро сабру каноат.

* * *

Жон берурда лаълига килмиш оби хайвон бахс,
Уйлаким бирав килгай жахл бирла ёлгон бахс.

Ой узорига не юз бирла бахс этак олгой,
Шарм айлар этмақдин анга меҳри раҳшон бахс.

Сарв комати бирла дер эмишки, баҳоим бор,
Айласун кила олса коматин хиромон, бахс.

Бахс айлагандекдур боги жаннату дўзах.
Кўйи бирла ул гулнинг айласа гулистон бахс.

Гунча бахс килғондин оғзининг ичи кондур,
Айлаган киби нодон айбини намоён бахс.

Турфа вакт бўлмишдур сифла иртифоидин,
Бек бирла кул айлар, ориф ила нодон бахс.

Бахри назми Рожийнинг дарга уйла бўлмишиким,
Гарки шари ўлур килса анга бахри Уммон бахс.

* * *

Еткуур кўнглимга олам ранжу озор, алгиёс,
Не илож эткуум мани ранжур noctor, алгиёс.

Гоҳ хазину, гоҳи маломат, гоҳ кулфат, гоҳи гам,
Еткуур жонимга даврони ситамкор, алгиёс.

Бир киши етмас мани дил хастанинг фарёдига,
Телмуруб йиглаб десам хар лахза садбор, алгиёс,

Бир гамимга чора топмок истасам юз сайъ ила,
Даҳр этар улдам манга минг гам падидор, алгиёс.

Рози эрдим хар жафо етса манга агёрдин,
Хар нафас юз жавр этар ман зорга ёр, алгиёс.

Алгиёс, эй козийюл-хожат, ўзинг кил ёрлиг,
Килмади фарёдраслик кимса изхор, алгиёс.

Юкланур бошига Рожийнинг дамодам бори гам,
Айлагил бир лутф ила они сабукбор, алгиёс.

* * *

Менинг заъфимга сўрса ёр боис,
Эрур хажрида минг озор боис.

Туну кун оху афгон этмакимга,
Эрур ул зулф ила рухсор боис.

Дамодам буки чашмимдин окар кон,
Онга ул нарғиси хунхор боис.

Висол айёми йиглаб нола килсам,
Нетонг, ул базм аро агёр боис.

Гулистон ичра булбул ноласидин,
Чу сўрдум, деди, бордур хор боис.

Дедим ул ойга, недин жавр этарсан,
Деди: сўрма анга кўп бор боис.

Ажабдур лутфига боис топилмас,
Вале зулм этгали бисёр боис.

Фано даврида гар лояъкил эрсам,
Тоиг эрмас, согари саршор боис.

Деманг Рожий надиндур банди гамда,
Анга түти киби гуфтор боис.

* * *

Билмон ул ойга нечун ўлубдур хаёл каж,
Доим мани хазинга килур кол каж.

Каж дер жавоб, итоб этибон, туз саволима,
Дер туз жавоб, ўзгалар ётса, савол каж.

Бордур ракибларнинг анга каж маколи туз,
Мен бенаво дер эрсам эрур туз макол каж.

Хар кимса долдек каж эрур туздур оллида,
Ул ким алифдек ўлди туз ондокки дол каж.

Мумкин эмас жахон аро тузларга эътибор,
Беэътибор бўлмоги, лекин мухол каж.

Тузларгадур жахон аро хар навъ дарду ранж
Хар ерда бўлса бордуур осуда хол каж.

Десанг спехр авжима айлай маконингни,
Бўлгил мудом эл ичра начукким хилол каж.

Ёшликда пеша тузлик этса асло туз ўлмагай,
Улгойгонида ёшдин эса хар нихол каж.

Зебо кадрини сарв деса Рожий, ул пари—
Дерким бу навъ айламагил кўп хаёл каж.

* * *

Олмиш ўтлиг оразидин буркаъ ул дилдор субх,
Тонг эмас, тортар фалакка охи оташбор субх.

Еткуур жон муждасин гулзордин хар дам сабо,
Кўйи сайри гулшан этмиш ул масех атвор субх.

Бир куёш хажрида хар тун бордуур мандек хазин,
Буки сориг юз уза ашкин сочиб йиглор субх.

Демагилким кун тулуъ айлаб бўлур гойиб нужум,
Дилбарим оллида айлар накди жон ийсор субх.

Хажр номи зулматига сабр кил хар хол ила,
Кўз ёритгунг бир куёш васлидин ийсовор субх.

Гар десонг захмат зилолидин топай шодоблиг,
Юммагил андокки нарғис дидаи бедор субх.

Соргориб рухсори гамдин чок эрур кўкси агар,
Рожи янглиг бир куёш меҳрин нихон асрор субх.

* * *

Эй вужудинг келибон маъдани эхсони саховат,
Остонингда икки кул дуур икболу саодат.

Хотиринг кўзгусини айламасун даҳр муқаддар,
Етмасун кўнглингга хеч важх ила осори малолат.

Матаки даргохи фалак жохи дуогўйдуурман,
Арзи хожат килурам гар караминг берса ижозат.

Бор эди бир кишига беражак икки тиллоким,
Ваъдалиг вакти етиб, бергани йўқ манда бизоат.

Келадур хар кун олурга хаккини қаҳрлар айлаб,
Совутиб чехрасини, кўргузуб анвоъи шиноат.

Мани бекас килибон хар кун анга ўзгача хийла,
Кайтарурман неча ёлгон сўз ила, бу не кабоҳат.

Кўргач онинг юзини титрашадур жон ила кўнглум,
Соладур бошима хар кун менинг ошуви киёмат.

Агар ихсонинг онинг дафъига айлар эса чора,
Топгай эрдим мани бечора жанобингда фарогат.

Арзи хол айлади хома тилидин Рожий махзун,
Килган учун тилини лол ўзи деса хижодат.

Мустазод

Эй киприки ўқ, кошлари ёй, гамзаси жаллод,
эй кўзлари жоду,
Бир лутф ила килсанг недурур хотирими шод,
чекдим басе кайгу.
Офок аро бордур нечча маъшук ила ошик,
гулчехраи мафтун,
Мендек хиради волау сен киби паризод
олам аро борму.
Кўб жавр ила жонимни хароб айлабон этдинг
хажрингга гирифттор,
Оз лутф ила хам айла бузуг хотирим обод,
хардам келиб ўтру.
Бог ичра санга гул ўзини мингзатур ўлса,
йўқдир кўзи, тонг йўқ.
Булбул сани кўрдию они айлади барбод,
деб хожат эмас бу.
Наргис бошини солди куйи, кўзини кўргач,
кайгуга тушубдур,
Сарв ўлди кадингга кул, они этмагил озод,
саркашдуур асру.
Хуршед демокка юзингга ўзни мушобих
йўқдир тили, оғзи,
Ой килсун ўзин санга баробар тутубон ёд,
бўлгум деса кулги,
Рожийки колибдур гами хижронинг ичида
килгил онга рахме,
Тун, кун чекадур тинмайин афгон ила фарёд
сандин тушуб айру.

Навоий газалига мухаммас

Кўнгул даврон элин тутма ўзингга ошно асру,
Тилаб меҳру мухаббат чекмагил ранжу ано асру,
Вафо айлаб, вафо кўз тутмогинг бордур хато асру,
Вафо ахлига даврондин етар жавру жафо асру,
Жафосидин анинг озурдадур ахли вафо асру.

Фалакдин тбpmогунг жуз ранжу мехнат бил муайянким,
Туну кун айшу рохат истаб этма жусту жў фанким,
Манга кўб озмойиш бирла бўлмиш бўйла равшанким,
Бу ким ахли вафо ноёб эрурлар оиндин эрканким,
Бу эски ток аларга ёѓдурур гарди бало асру.

Таманно килма олам ичра ўзни айламак хушнуд,
Балоу ранжидин ўзга санга мумкин эмас бир суд,
Фано баҳрига киргил барча будинг айлабон нобуд,
Гаронжонликни кўй, жон бер, тилар бўлсанг дури максуд—
Ки оламда оғирдур ушбу гавхарга баҳо асру.

Кими кўрсам жаҳон ахлидин, они ошно билдим,
Туну кун тинмайин истаб, ризосин ел киби елдим,
Ажаб нодон эмишмен билмай ўз комимдин айрилдим,
Фидо жонимни айлаб, олам ахлидин тамаъ килдим,
Вафо, астагфируллаҳ, килган эрмишмен хато асру.

Кел, эй Рожий, санга жаҳл ила гафлат мунча басдур,
Жаҳон ахлидин ўз пайванд, бори дуну нокасдур,
Хама мол ила жоҳи ориф эл олдида бир хасдур,
Хавоий гулшани кудс эт Навоийким, хуш эрмасдур,
Заганлар бирла бу гулшанда бўлмок бенаво асру.